

# Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • @uzssgzt, uzss@yandex.ru • 2022 йил 7 апрель • №14 (1398)

## 2022 ЙИЛ–ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

“ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ — ИНСОН ҚАДРИ УЧУН”

### ИНСОНЛАРИ ҚАДР ТОПГАН ЮРТ

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Қашқадарё ва Наманган вилоятларида соғломлаштириш акцияси давом этмоқда

Айни кунларда Қашқадарё ва Наманган вилоятларида вазирлик марказий аппарати жамоаси, ихтисослаштирилган марказлар мутахассислари ва тиббиёт олий ўқув юртлиги профессор-шифокорлари, иборат тиббий гуруҳ иш олиб бормоқда.



Хабарингиз бор, Президентимиз яқинда тиббиёт ходимлари билан бўлиб ўтган очик мулоқотда соғлиқни сақлаш тизимида ўз ечимини кутаётган қатор муаммо ва камчиликлар борлиги, шу сабабли аҳоли ушбу соҳадан ҳали тўлиқ рози эмаслигини алоҳида таъкидлади. Ўз навбатида, ушбу масалаларни самарали ҳал этиш мақсадида 7 та муҳим йўналиш бўйича чора-тадбирлар белгиланган эди. Мазкур соғломлаштириш акцияси ана шу устувор вазифалар-

нинг жойлардаги ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилмоқда. Акция икки босқичда ташкил этиляпти. Биринчи босқичда пойтахтдан келган мутахассислар гуруҳлар кесимида вилоятларнинг ҳар бир шаҳар ва туманига тақсимланиб, жойларда “хонадонбай” тамойили асосида аҳоли саломатлиги, уларни қийнаётган тиббиётга доир муаммоларни ўрганишди, фуқаролар ўртасида соғлом турмуш тарзига амал қилиш, жумла-

дан, касалликлар профилактикаси бўйича тарғибот тадбирларини ўтказишмоқда. Асосийси, даволанишга муҳтож бўлган аҳоли тоифасининг ҳудудлар кесимидаги рўйхати шакллантирилиб, оғирлик даражаси бўйича таснифланди. Юқори технологик амалиётларга муҳтож бўлган беморлар Давлат тиббий суғуртаси ва тегишли фондлар маблағлари ҳисобидан операцияга тавсия этилди. Бу орқали, биринчи навбатда, аҳоли қатламига ихтисослаштирилган тиббий хизматни янада яқинлаштириш кўзда тутилган. Шунингдек, акция давомида мобил маммография, кўчма лаборатория ва махсус жиҳозланган мобил тиббий автомашиналарда узоқ ҳудудларга бориб, аҳоли саломатлигини яхшилашга кўмаклашмоқда.

Иккинчи йўналишда вазирликнинг махсус гуруҳи томонидан Чирокчи туманида намунавий ялли текширувлар амалга оширилади. Бунда тумандаги барча аҳоли қатламларини қамраб олиш, ҳудуднинг тиббий салоҳиятини ўрганиш, муаммоларга шунинг ўзида ечим топиш мақсадида сайёр қабуллар ўтказилади. Яъни, махсус ишчи гуруҳ тумандаги барча тиббий ёрдамга эhtiжи бўлган беморларни даволаш жараёнига йўналтиришни, туман тиббиётининг моддий-техник базаси, дори-дармон, даволаш ва кадрлар бўйича барча муаммоларига ечим топтоқда. Яқинда Чи-



роқчи тумани бўйича ўрганишлар таҳлил қилиниб, бу тажриба натижадорлигига кўра, бутун республикага татбиқ қилиниши режалаштирилган. Шу кунларда ушбу йўналишлар доирасида оғир касалликларга чалинган, юқори технологик жарроҳлик муолажасига муҳтож беморларда давлат ҳисобидан операциялар бошлаб юборилди. Бу амалиётлар республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларидан борган етакчи шифокорлар бошчилигида бажариляпти. Хусусан, сўнгги икки кунда Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Наманган ва Қашқадарё филиали,

Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Наманган-Қарши филиали ва вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази каби қатор муассасаларда ўнлаб шундай мураккаб операциялар муваффақиятли ўтказилди. Шунингдек, янги оилавий поликлиникалар ва оилавий шифокор пунктлари ташкил этиш, зарур ҳудудларда контейнер шаклидаги тиббий пунктлар фаолиятини йўлга қўйиш, тез тиббий ёрдам хизматини мақбуллаштириш бўйича ҳам зарур чора-тадбирлар белгиланган.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу соғломлаштириш акциясида бюрократик тўсиқларсиз, аҳолини сарсон қилмасдан, уларнинг хонадонига кириб бориб, дардларига малҳам бўлиш устувор вазифа қилиб олинган.

#### • Наманган вилояти

## ПРОФЕССОР МАҲАЛЛА КЕЗАДИ

Эътирофлиси шундаки, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Ишчи гуруҳи олиб бораётган сифатли тиббий хизматларидан вилоятимиз аҳли беҳад мамнун бўлишмоқда. Айниқса, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази вакиллари фаолияти диққатга сазовордир.

Таникли шифокорлар, олим ва мутахассислардан иборат гуруҳ соҳа ишини янада ривожлантириш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва самардорлигини муттасил ошириш бўйича зарур амалий кўмаклар бермоқда. Марказ директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор Гулноза Ҳамидуллаева бугун кун давомида Ғайрат қишлоғидаги маҳалларни кезди. Биз таникли саломатлик посбонини Бойогон маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли Навбахор кўчасидаги 33-хонадонда уч-

ратдик. У 33-оилавий поликлиника патронаж ҳамшираси Сайёра Дўстбоева, ЭКГ ҳамшираси Саидахон Жумаевалар билан биргаликда узоқ вақтдан бери сурункали касаллик туфайли тушакка михланиб қолган Фотимахон Акбарованинг саломатлигини тешириб кўраётган эди. Беморнинг қон босими ўлчанди. Тегишли тиббий хулосалар битилган ҳужжатлар ўрганилди. Олима ҳамроҳи - РИКИАТМ Наманган филиали директори, тиббиёт фанлари номзоди Солижон Мўминов билан хастахолни безовта қилаётган касалликдан фориғ қилиш

бўйича фикрлашиб, уни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказишга, яна травматолог маслаҳатини олишга ҳам келишилди. Шифокорлар шу билан кифояланишмади. Хонадон аъзолари билан соғлом турмуш тарзини шакллантириш юзасидан суҳбатлашди. Мулоқот чоғида тўғри овқатланиш, жисмоний фаолликни ошириш, ҳовлида тозаликни сақлаш, болаларни гигиена талабларига риоя этишга одатлантириш бўйича маслаҳатлар берилди.

Кейинги манзил туташ кўчадаги Қамбаровлар хонадони бўлди. Оқ халағли меҳмонларнинг кириб келиши саксон беш ёшли Раҳимахон аяни беҳад қувонтириб юборди. Ахир ҳар доим ҳам пойтахтдан ва Намангандан шифокор олимлар келавермайди-да бу уйга. Зудлик билан нурунийга тиббий хизмат кўрса-



тилди. Табаррук ёшдаги инсоннинг соғлиғини мустаҳкамлаш учун тавсиялар берилди. Уни ташки муҳитда сайр қилдириб туриш жуда муҳимлиги айтилди. – Юртимиз тинч бўлсин, элпарвар давлатимизга кўз тегмасин, халқ соғлиғи ҳақида қайғураётган шифокорларнинг ўзлари ҳам омон юришсин, – дея

дуога қўл очди Раҳимахон ая. Шу орада уй бекаси Манзураҳон опа ҳам қон босими кўтарилиб кетаётганлигидан шикоят қилди. Тажрибали кардиологлар аёл саломатлигини текшириб кўриб, унга ҳам зарур дори-дармонлар тавсия этишди

Давоми 2-бетда →



“ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ — ИНСОН ҚАДРИ УЧУН”

# ПРОФЕССОР МАҲАЛЛА КЕЗАДИ



дан ўтказилган инсонларнинг аксариятида юрак-қон томир касалликлари кузатилди. Бу ташвишли ҳолат. Одамларнинг соғлом турмуш тарзига ўргатмасдан, соғлом овқатланишга одатлантирмасдан туриб кутилган мақсадга эришиш жуда қийин, — дейди профессор Г. Ҳамидуллаева.

— Президентимизнинг “Юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарори бежиз қабул қилинмади. Мазкур ҳужжатда касаллик профилактикасига алоҳида урғу



лавий шифокорлар ишини соддаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг протоколига асосланган юрак-қон томир касалликлари хавфстратификациясини баҳолаш учун мобил илова яратилди. Айни пайтда мобил иловани амалиётга татбиқ этиш

Уйчи туманидан бошланди. Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази вакили, тиббиёт фанлари номзоди Жамшид Ирисов бирламчи бўлиб, янги воситани ўрнатиш ва шифокору хамшираларга ўргатиш юмушлари билан банд.

Янгиликнинг аҳамияти шундаки, бу усул юрак-қон томир касалликлари хавфини барвақт аниқлашда фоят қўл келади. Энг муҳими, мобил иловадан нафақат врачлар, ҳатто хамширалар ҳам фойдаланишлари мумкин.

## Давоми. Боши 1-бетда

ва дори воситалари оилавий поликлиника томонидан бепул берилишидан ҳам бохабар қилишди. Шу тариқа уйма-уй кириб, дардман кишилар ҳолидан манзилли равишда хабар олишди. Бемор Икромжон Машраббоев, унинг онаси Бувиниса аянинг саломатлиги кўриқдан ўтказилганда кўшни аёл ҳам юрак ҳуружи бевовта қилаётганлигини билдирди. Профессор Гулноза Ҳамидуллаева унинг соғайиши учун қандай турмуш кечириши лозимлигини айтиб, ичилиши зарур бўлган



дори-дармонларни буюрди. — Бугун тиббий текширув-

берилган. Жумладан, бирламчи бўғинда фаолият юритувчи ои-

# ТАЛАБА ОИЛАВИЙ ПОЛИКЛИНИКАНИ БОШҚАРАДИ

Кунни кеча Чортоқ туманидаги Кўшан қишлоғида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеа содир бўлди. Андижон давлат тиббиёт институти 6-босқич талабаси ҳудуд аҳолисига тиббий хизмат кўрсатувчи 52-оилавий поликлиникага раҳбар этиб тайинланди.



Шу муносабат билан муассаса жамоасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоятда фаолият олиб бораётган Ишчи гуруҳи раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Амрилло Иноятов иштирок этди.

Амрилло Иноятов йиғилиш ав-

валида давлатимиз раҳбарининг тиббиёт ходимлари билан очик мулоқот шаклидаги учрашувида белгилаб берилган вазифалар ҳусусида фикр юритди. Касалликларнинг олдини олишда, соғлом турмуш маданиятини шакллантиришда, жисмоний фаолликни оммалаштиришда бирламчи тизим

муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Аҳолига энг яқин бўлган ушбу бўғин ишини тубдан такомиллаштириш зарурлигига эътиборни қаратди. Бу ўринда ташаббускор, изланувчан ва билимдон кадрларга таяниш ижобий самаралар беришини айтиб, мазкур оилавий поликлиникага олийгоҳни тамомлаш арафасида турган Сардорбек Эрмухаммедов мудир этиб тайинланганлиги ҳақидаги буйруқни ўқиб эшиттирди. Таништирув маросимида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Абдулҳоди Иминов, Чортоқ тумани тиббиёт бмрлашмаси бошлиғи в.б. Баҳодир Саидов, 52-оилавий поликлиника шифокори Абдурасул Ҳолмирзаев, хамшира Манзура Абдураимова, тез ёрдам хизмати шахобчаси бошлиғи Хурсандбек Зайнобидиновлар янги мудирга омадлар тилашди ҳамда масъулиятли вазифани адо этишда



жамоа билан ҳамжиҳатликда иш олиб бориш, қишлоқ аҳлига сифатли ва малакали тиббий хизмат кўрсатишга эришиш юзасидан қимматли маслаҳатлар беришди.

Маълумот ўрнида қайд этиш жоизки, кунни кеча вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тизими янги авлод вакиллари билан мустаҳкамланди. Андижон давлат тиббиёт институти тамомлаётган 240 на-

фар талаба ҳамда магистратура ва клиник орденатурани яқунлаётган мутахассислар она юртларига қайтиб келишди. Улар РШТЁИМ Наманган филиали мажлислар залида вазирлик раҳбарлари томонидан тантанали равишда кутиб олинган эди. Ёш шифокорлар бугундан вилоят тиббиёт муассасаларида ишга киришдилар.

# ТАЛАБЧАНЛИК ОШИРИЛСИН

Вилоятда фаолият олиб бораётган Ишчи гуруҳи раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Амрилло Иноятов Чортоқ туманида бўлди.

Туман тиббиёт бирлашмаси марказий шифохонаси ички касалликлар бўлими фаолияти билан танишди. Даволаш ишлари сифати, бемор-

ларга яратилган шароитлар, ҳастаҳолаҳларни бепул дори-дармонлар билан таъминлаш ҳолати кўздан кечирилди. Пала-

таларга кирилиб, даволанувчилар билан суҳбатлашди. Мазкур муассаса раҳбариятига аҳолини тиббий хизматдан рози қилиш учун мажуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан топшириқлар берилди.

Давоми 3-бетда →





"ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ — ИНСОН ҚАДРИ УЧУН"

•НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

# БИРЛАМЧИ ТИЗИМ ФАОЛИЯТИ ЎЗГАРИШИ КЕРАК

Тадбир доирасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини такомиллаштириш масалаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.



Давоми. Боши 1 ва 2-бетларда

Тадбирга шаҳар ва туманлар тиббиёт бирлашмаларининг оналик ва болалик муҳофазаси бўйича ўринбосарлари, координаторлар, бош педиатрлар, бош аку-

шер-гинекологлар, кўп тармоқли марказий поликлиникалар, оилавий поликлиникалар ва оилавий шифокорлик пунктлари мудирилари, бош ҳамширалар ҳамда соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўлимлари раҳбарлари таклиф этилди. Услубий анжуманнинг РШТЎИМ Наманган филиалида кечган қисмида Андижон ва Фарғона вилоятлари соғлиқни сақлаш бошқармалари вакиллари ҳам қатнашдилар.

Республика Ишчи гуруҳи аъзоси, Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази директори Барно Одилова кириш сўзида Президентимизнинг шу йил 18 мартда соғлиқни сақлаш ходимлари билан очик мулоқот шаклидаги учрашувида белгилаб берилган устувор йўналишларга, хусусан, тиббиётнинг бирламчи бўлини фаолиятини тубдан такомиллаштириш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган

ишларга эътиборни қаратди. Слайдлар воситасида изоҳланган маърузада соҳадаги долзарб вазифалар кўрсатиб ўтилиб, тавсиявий йўл-йўриқлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги масъул ходими Раъно Ҳайитбоева, Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази директорининг ўринбосари Севара Сирождидинова ва РШТЎИМ Наманган филиали бош ҳамшираси Райҳона Мансуроваларнинг чиқишларида оналар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий хизматни янада яхшилаш, эндокринологик касалликларнинг олдини олиш мақсадида скрининглар ўтказишнинг замонавий усуллари, универсал-прогрессив патронаж фаолиятини ташкиллашнинг ўзига хос жиҳатлари атрафлича тушунтирилди.

Наманган вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Абдулҳоди Иминов бирламчи тизим мутасаддилари ўз фаолиятларини тубдан яхшилашга шахсан масъул эканлиги, соҳада кечаётган янгилишлар натижаси лўп тармоқли марказий поликлиника, оилавий шифокорлик пунктлари ишидаги ўзга-



ришларда яққол намоён бўлиши зарурлигини яна бир бор таъкидлади.

Чиндан ҳам қуйи бўгин одамлар дардига дармон бўладиган масканларга айлантирилмас экан, тиббий хизмат кўрсатиш даража-

сини юксалтиришда кескин бурилиш ясаилишини тасаввур этиш қийин. Анжуман қатнашчилари бу ҳақиқатни чуқур англаган ҳолда ўз жамоаларида амалий ишга астойдил киришадилар, деган умиддамиз.

## МУРАККАБ ОПЕРАЦИЯЛАР ЎТКАЗИЛДИ

Инсон танасининг ҳеч бир аъзоси шикастланмасин экан. Тўрт ўғилнинг онаси уйчилик Насиба опа ҳам яқин бир йилдирки қутилмаган...



Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий – амалий тиббиёт маркази Наманган филиалида мутахассис шифокорлар кўриги, турли тиббий диагностик текширувлардан сўнг, бемор Насиба опанинг чап оёғида суяк ўсмаси борлиги аниқланди. Марказ врачлари томонидан ўз вақтида олиб борилган муолажалар туфайли суякдаги чиришнинг олди олиб қилинди. Энди беморда жаррохлик амалиёти хавфсиз ўтказилиши мумкин.

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ташаббуси билан вилоятимизда бошланган "Соғломлаштириш акцияси" Насиба опанинг ҳам дардларини аритиб, умрига умр қўйиш учун янги имконият яратди. Ғоят қувонарлиси эса акция доирасидаги мураккаб турдаги жаррохлик амалиётида мутахассислар опанинг оёғини кесмасдан сақлаб қолишди.

– Яхшиям бахтимизга қўли енгил шифокорлар бор экан, – деди опа биз билан суҳбатда. – Тош-

кентнинг таниқли врачлари келганини эшитиб, жуда хурсанд бўлдим. Шунинг учун ҳам операцияга ҳеч чўчимасдан, халоскорларимга ишонч билан қиряпман...

Шуни мамнуният билан таъкидлаш лозимки, онколог-жаррохлар бугун илк бор Наманганда таянч ҳаракат тизими билан боғлиқ ўсма беморларини дардан фориг қилишга астойдил тер тўкишди.

– Шифокорнинг вазифаси – у тошкентликми, наманганликми бир. Беморнинг дардига малҳам бўлиш, ҳаётини яхшилаш ва касалликдан халос қилиш. Шу маънода бемор Насиба Онорова ҳамда бемор А. Жабборовларнинг оёқларини сақлаб қолишга ҳаракат қилаймиз. Чунки протез оёқнинг ўзига яраша маълум бир қийинчиликлари бор, – деди РИО ва РИАТМ таянч ҳаракат тизими ўсмалари бўйича жаррох Баҳридил Султонов.

РИО ва РИАТМ илмий бўлим раҳбари т. ф. н Хуршид Абдукаримов, жаррох Баҳридил Султонов, наманганликлик мутахассислар Исроиљон Мирзавалиев, Мухаммадҷон Абдулҳамидовлар биргаликда Н. Онорова ҳамда бемор А. Жабборовда орган сақловчи юқори технологик жаррохлик ама-



лиётларини муваффақиятли бажаришди

– Филиалда янги турдаги оғрикислантириш усули қўлланилапти, – дейди реанимация бўлими мудири Бахтиёр Саматов. – Олдинлари умумий оғрикислантириш қилинган бўлса, ҳозирда бемор ҳушида бўлади. Орқа

мия анестезияси билан бирга мультимодаль анестезия усулини қўллаяпмиз.

Дарҳақиқат, Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг хайрли ташаббуси билан бошланган соғломлаштириш акциясида 4 нафар беморда юқори технологик жаррохлик амалиёти ўтказилди.

Шунингдек, РИО ва РИАТМнинг таниқли мутахассислари т.ф.н. Ш. Ҳатамов, т.ф.н. Р. Бекмирзаев, С. Пўлатов, Б. Қорахўжаевлар маҳаллий онколог-врачлар ҳамроҳлигида Уйчи ва Чортоқ туманларида 50 нафардан зиёд беморларни ҳам тиббий кўрикдан ўтказишди. Уларга керакли маслаҳат ва тавсиялар беришди. Даволаш зарурати борлиги аниқланганларни вилоят филиалига йўллашди.


## ҚАЛБЛАРГА НАЖОТ БАХШ ЭТИБ

"Ўзбекистон тиббиёти — инсон қадри учун" шиори остида қатор тадбирлар давом этмоқда.

Наманган вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт марказининг малакали шифокорлари марказ шифокори Ж. Шодмонов билан

биргаликда жаррохлик амалиётларини амалга оширмоқдалар. Бемор Норин туманда яшовчи Феруза Қўчқорова 1973 йилда туғилган. Унда чап сийдик найи тоши ташхиси билан чапда уретероли-

тотрпсия амалиёти ўтказилди. Албатта, малакали шифокорларнинг кўрсатаётган сифатли тиббий хизматларидан аҳоли мамнун бўлмоқда. Улар Давлатимиз раҳбарига ҳам ўзларининг дил ташаккурларини изҳор этишмоқда.



1,2 ва 3 саҳифа материалларини журналист Абдулла ҒОЗИЕВ тайёрлади.

Электрон манзилимиз: [uzss@yandex.ru](mailto:uzss@yandex.ru)



@uzssgzt



“ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ — ИНСОН ҚАДРИ УЧУН”

# САЙЁР ҚАБУЛ СЎНГГИ БЕМОР ДАВОЛАНГАНЧА ДАВОМ ЭТАДИ

Қашқадарё вилоятининг Чирокчи туманида Президентимизнинг тиббиёт ходимлари билан очиқ мулоқотида белгиланган 7 та муҳим йўналишдаги вазифалар ижроси бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигининг сайёр қабуллари бўлиб ўтмоқда

Қарши шаҳридан йўлга чиққан махсус жиҳозланган мобиль поликлиникалар, маммограф, флюорография ва лаборатория ускуналари ўрнатилган автомашиналар ҳамда тор ихтисосликдаги мутахассислардан иборат тиббиёт қарвони туман марказига етиб келди.

Яна бир эътиборли жиҳати, юқори технологик амалиётлар талаб этиладиган беморларга шу ернинг ўзида ордер расмийлаштириляпти. Сайёр қабул тумандаги барча тиббий ёрдамга муҳтож беморларни

руҳлар кесимида вилоятнинг бошқа ҳудудларига ҳам тақсимланиб, жойларда “хонадонбай” тамойили асосида аҳоли саломатлиги, уларни қийнаётган муаммоларни ўрганмоқда. Шу билан бирга, фуқаролар

Қашқадарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Қашқадарё филиали, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази



Қашқадарё вилоятида бошланган соғломлаштириш акцияси доирасидаги ушбу тадбирда вазирлик марказий аппарати жамоаси, республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари раҳ-

гиллик яратиш мақсадида ҳар икки ҳудудда алоҳида-алоҳида сайёр қабул ўтказилиши режалаштирилган. Маҳаллий ҳокимлик вакиллари, бирламчи тиббиёт муассасалари ходимлари, маҳалла фаоллари ва ҳоким ёрдамчилари кўмагида ҳар бир

камраб олиб, уларни давога йўналтириш тўлиқ амалга оширишга қадар давом этади.

Маълумот учун, ҳозирги кунда Чирокчи туманида 54 та маҳалла ва 10 та бирламчи тиббиёт муассасаси фаолият

ўртасида соғлом турмуш тарзига амал қилиш, жумладан, касалликлар профилактикаси бўйича "Соғлом турмуш мактаби", "Эндокринологлар мактаби", "Кардиологлар мактаби" каби тарғибот тадбирлари ўт-

Қарши филиали, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Қарши филиали ва вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази каби қатор муассасаларда ўн-



барлари ва шифокорлари, тиббиёт олий ўқув юртлири олимлари ҳамда маҳаллий мутахассислардан иборат махсус гуруҳлар фуқароларни қабул қилишга киришди. Мамлакатимизнинг энг йирик туманлари-

хонадонга кириб борилди ва уларни сайёр қабулга жалб қилиш чоралари кўрилди. Яхши хабар тез тарқалади. Соғлигида муаммоси бор аҳоли вакиллари қабул пунктига кела бошлашди. Бу ерда ҳар бир

юртмоқда. Янги ташкил этилаётган Кўкдала ҳудудида эса 42 та маҳалла ва 11 та бирламчи тиббиёт муассасаси хизмат кўрсатяпти. Сайёр қабул давомида тиббий ёрдамга эҳтиёжи бўлган беморларни да-

казиляпти. Шу кунларда оғир касалликка чалинган, юқори технологик жарроҳлик муолажасига муҳтож қашқадарёлик беморларда давлат ҳисобидан операциялар ҳам бошлаб юборилган. Бу амалиётлар ре-

лаб ана шундай мураккаб операциялар муваффақиятли ўтказилди. Шунингдек, янги оилавий поликлиникалар ва оилавий шифокор пунктлари ташкил этиш, зарур ҳудудларда контейнер шаклидаги тиббий



дан бўлган Чирокчида аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш бўйича муаммолар талайгина. Янги Кўкдала тумани ташкил этилиши шу каби қатор масалаларни ҳал этиш учун ҳудуд иккига ажратилмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан аҳолига ен-

фуқаро тиббий рўйхатга олиниб, тор соҳа мутахассислари кўригига йўналтирилмоқда. Мурожаатчилар тиббий ёрдамга муҳтожлик даражасига кўра таснифланиб, кўрсатиладиган тиббий хизмат ҳажми туман, вилоят ва республика миқёсида белгилаб олинмоқда.

волаш жараёнига йўналтириш билан бирга, туман тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси, дори-дармон, даволаш ва кадрлар бўйича барча муаммолари ҳам ҳал этилиши кутилмоқда. Айни пайтда пойтахтдан келган 150 нафардан ортиқ мутахассис гу-

спублика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларидан борган етакчи шифокорлар бошчилигида бажарилляпти.

Хусусан, сўнгги икки кунда

пунктлар фаолиятини йўлга қўйиш, тез тиббий ёрдам хизмагини мақбуллаштириш бўйича ҳам зарур чора-тадбирлар белгиланган.

**Сайёр қабул якунида Чирокчи тумани бўйича ўрганишлар таҳлил қилиниб, бу тажриба натижадорлигига кўра, бутун республикага татбиқ қилинади.**



“ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ — ИНСОН ҚАДРИ УЧУН”

# ОЧИҚ МУЛОҚОТДАН КЕЙИНГИ ҚАДАМ

*Хар қандай тараққиётнинг омили бу янгилик, янгиликлар сари интилишдир.  
Биз бежизга “Янги Ўзбекистон” иборасини ишлатмаямиз*

**Чунки мамлакат ҳаёти мутлақо янгиликни тақозо этапти.**



Узоқ йиллар давомида мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий муаммолар номигагина “ҳал этилиб” келинди, муаммоларнинг туб илдизи эса ўрганилмади. Жумладан, тиббиёт ва соғлиқни сақлаш соҳасида анчагина муаммолар йиғилиб қолган эди.

Президентимизнинг тиббиёт ходимлари билан очик мулоқоти соғлиқни сақлаш соҳасида кескин бурилишларга туртки бўлди, десак муболаға бўлмайди. Президент ислохотларнинг халқчиллигини, улар хар бир инсоннинг муносиб

ҳаёт кечириши учун хизмат қилиши кераклигини кўрсатиб берапти. Шу боис ҳам “Тиббиётдаги ислохотлар – инсон қадрини учун!” деган шиор ўртага ташланди.

Албатта, гап шиорларда эмас, гап уларнинг моҳиятини оммага етказишда. Инсон қадрини, деганда биз нимани тушунамиз? Қадр – энг юксак тушунча. У бўлмаса, инсоннинг инсонлиги аҳамият касб этмай қолади. Шунинг учун Президентимиз айтмоқчи, биз хар бир ҳаракатимизнинг йўналишини аввало инсон қадрини

кўтаришга, уни улуглашга қаратишимиз керак. Масалан, очик мулоқот чоғида бугунги Ўзбекистон тиббиётининг эътибор қаратилиши керак бўлган 7 та йўналиши белгилаб берилди.

Шулардан биринчисини олиб қарайлик. Бирламчи тиббий хизматларни аҳолига яқинлаштириш ва уларнинг тармоғини кенгайтириш. Бу нима дегани? Сир эмас, бундан бир неча йиллар олдин мамлакат бўйлаб соғлиқни сақлаш тизимида “оптималлаштириш” ўтказилиб, кишлоқлардаги аҳолига хизмат кўрсатадиган амбулаториялар сони деярли ярмига қисқатириб юборилган эди.

Табиики, маблағларни тежаш мақсадида қилинган бу иш аҳоли учун яна ноқулайликларни келтириб чиқарди. Одамлар 5-6 километр, ҳатто айрим жойларда ўн-йигирма километрлаб масофага шифокор кўригига боришга мажбур бўлди. “Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсиясига кўра, бирламчи тиббий хизмат пункти 3 километр узоқликда ёки пиёда боришда 20 дақиқалик масо-

фани ташкил этиши керак, – деб эслатди Президентимиз. – Шу боис, жойларда фуқароларга тез, қулай ва сифатли тиббий хизматларни кўрсатиш бўйича алоҳида чора-тадбирлар амалга оширилади”.

Хуллас, мамлакат тарихида илк марта ўтказилган тиббиёт ходимлари билан давлат раҳбарининг очик мулоқоти жуда самарали бўлди. Кунинча Президентимизнинг соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан “очик мулоқоти” да белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари бўйича Президент фармойиши ҳамда “Йўл харитаси” ҳам эълон қилинди. Унда мулоқот чоғида айтилган фикрлар амалий ҳаракат сифатида белгилаб берилди. Жумладан, юқоридаги масала, яъни бирламчи тиббий хизматларни аҳолига яқинлаштириш бўйича 2022 йилда 136 та ва 2023 йилда яна

140 та янги поликлиника фаолияти йўлга қўйилиши белгилаб берилди. 2023 йилдан бошлаб эса, жойлардаги поликлиника филиаллари негизда яна 1100 та оилавий шифокор пунктлари ташкил этилади. Демак, халқ энди узоқ йўл босиб, тиббиёт пунктига бориш азиятидан қутулади, қулайликдан баҳраманд бўлади. Мана, халққа яқинлашиш, мана, инсон қадрини улуглаш.

Албатта, очик мулоқотдан кейин эълон қилинган “Йўл харитаси” да етти йўналиш бўйича белгиланган хар бир вазифа зиммамизга катта масъулият юклайди. Бунда нафақат соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги ташкилотлар, балки халқимиз саломатлигини, инсон қадрини муқаддас деб, унга ҳисса қўшишни ватанпарварлик бурчи деб билган барча давлат органлари иштирок этади.

**Зеро, Президентимиз айтганларидек, халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қиладиган пайт келди.**

**Аскар БАХРОНОВ,**  
Бухоро вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи.

## МАҚСАДЛАР МУШТАРАКЛИГИДА ИНСОН САЛОМАТЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тиббиёт ходимлари билан ўтказган очик мулоқоти хар биримизга қўтаринки кайфият билан бирга фаолиятимизга бўлган масъулиятни янада оширди.

Давлатимиз раҳбарининг томонидан 18-март кунини соғлиқни сақлаш тизими янада такомиллаштириш, тиббий хизмат сифати ва самардорлигини ошириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, сифатли дори-дармон билан таъминлаш борасидаги ислохотларни изчил ривожлантириш мақсадида ўтказилган очик мулоқотда берилган топшириқлар ижросини амалга ошириш юзасидан Бухоро

вилоят ҳокимлиги Соғлиқни сақлаш бошқармаси бош мутахассислари, Бухоро давлат тиббиёт институти профессор-ўқитувчилари ва институтнинг 140 нафар талабалари, Жондор туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 19-оилавий поликлиника хизмат ҳудудидаги Пўлоти МФЙга қарашли кишлоқларда бўлиб, аҳолининг тиббий-ижтимоий муаммоларини ўрганиш ва аҳоли орасида соғлом тур-

муш тарзини кенг тарғиб қилдилар. Пўлоти МФЙ кишлоқларида жами 13093та жами аҳоли 2381 та хонадонда истиқомат қиладиган, оилалар 3621 тадан иборат. 1 ёшгача бўлган болалар 288 нафар, 1-6 ёшдаги болалар 1123 нафар, 7-14 ёшдаги болалар 4043 нафар, шунингдек, 60 ёшдан катталар 942,



туғиш ёшидаги аёллар 3570 нафарни ташкил этади. Хонадонларни ўрганиш давомида ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бор хонадонларга ташриф буюрилиб туман, вилоят ва республика миқёсида даволаниш

истагида бўлган аҳоли қатлами аниқланди ва тегишли

**Тажриба тариқасида Жондор туманида давом этаётган ушбу жараён тадбирларини бутун вилоят бўйича татбиқ этиш кўзда тутилган.**

**Маъмурахон САФОЕВА,**  
Бухоро вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси бош мутахассиси





## МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

## ҚАНДАЙ ДОРИЛАР АЛЛЕРГИЯ ҚЎЗГАШИ МУМКИН?

Бугун дорихоналардан бир турдаги препаратнинг ҳатто ўнлаб номдаги муқобилларини топишингиз мумкин. Бу, албатта, қувонарли ҳолат.

Аммо фармацевтика бозорининг ривожланиши дори аллергияси билан боғлиқ хасталиклар авж олишига туртки бўлаётгани ҳам сир эмас. Масалан, ўтган асрнинг 40-йилларига қадар дори-дармонлар билан даволаш асоратлари дунё бўйича бор-йўғи 0,5-1,5 фоиз беморларда кузатилган бўлса, ҳозирга келиб бу кўрсаткич 15-30 фоизга етган.

Аллергия қўзғатувчи препаратлар рейтингда антибиотиклар етакчилик қилади. β-лактамлар гуруҳига мансуб пенициллин, амоксициллин, цефазолин, цефотаксим каби антибактериал воситалар ҳамда сульфаниламидлар таркибига кирувчи сульфадиазин, сульфадоксин сингари препаратлар шулар жумласидан.

Иккинчи ўринда стероид бўлмаган яллиғланишга қарши дориларни келтириш мумкин. Деярли барча оғриқ қолдирувчи ва антипиретик воситалар шу гуруҳга қиради. Қолаверса, маҳаллий анестетиклар — новокаин, лидокаин ва бошқалар кўпинча аллергияни келтириб чиқаради. Таркибида йод моддаси мавжуд дорилар ҳам кенг тарқалган аллергенлар ҳисобланади. Дори аллергияси одатда тўсатдан бошланади ва инсон ҳаёти ҳамда саломатлигига жиддий хавф туғдириши мумкин. Анафилактик шок, токсикоаллергия, Лайелла ва Стивенс-Джонсон синдроми бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Кўпинча дори аллергияси аломатлари тошмалар, эшакеми, ангионевро-

тик шиш билан намоён бўлади. Бир турдаги препаратнинг такрорий қабул қилиниши дерматитга ҳам сабаб бўлиши мумкин. Шу билан бирга, айрим ҳолларда тана ҳарорати кўтарилиши кузатилади. Дориларга аллергия уларни такрорий қабул қилиш туфайли ривожланади. Масалан, бир вақтинг ўзида микробларга қарши бир неча препаратларни ичиш хасталикни кучайтириб юбориши эҳтимоли мавжуд. Шу ўринда аллергия нафақат дорилар, балки уларга қўшиладиган турли бўёқ ва ароматизаторларга нисбатан ҳам пайдо бўлишини унутмаслик лозим. Дориларга аллергия нафас йўллари касалликларини ҳам келтириб чиқариши мумкин. Ҳатто у қон таркибида лейкоцитлар сони камайиши, камқонликка сабаб бўлиши хавфи мавжуд. Баъзида буйрак, юрак, қон томирлари ва талок



шикастланиши ҳам дори аллергияси оқибатида содир бўлади.

**Шундай экан, дориларни, албатта, шифокор тавсияси билан истеъмол қилиш зарур.**

**Илмира РАЗИКОВА,**  
Республика илмий ихтисослаштирилган  
аллергология маркази директори, тиббиёт  
фанлари доктори, профессор

## ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

## ВИЛОЯТ ТИББИЁТ ТАРИХИДА ИЛК БОР

*Видеоартроскопда операция муваффақиятли ўтказилди*



Эътирофлиси шундаки, Давлатимиз раҳбарининг соғлиқни сақлаш тизимига бўлган эътибори боис, республикамиздаги барча тиббиёт муассасаларининг замонавий технологиялар билан таъминланиши аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш билан бирга кенг имкониятлар яратмоқда.

Ана шундай қулайликлардан баҳраманд бўлган Тошкент вилояти аҳолисига вилоят ҳокимлиги томонидан 1 миллиард 62 миллион сўмга олиб берилган видеоартроскоп ускунаси Тошкент вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказига ўрнатилиб, вилоят тиббиёт тарихида ушбу ускуна ёрдамида илк бор 2022 йилнинг 18-30 март кунлари юқори технологик операция яъни “Тизза бўғимида артроскопик” амалиётлари муваффақиятли олиб борилди. Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия ил-

мий-амалий тиббиёт маркази мутахассиси Алишер Холиқов ҳамда Тошкент вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази травматолог-ортопед шифокори Азизжон Мансуров ҳамкорлигида Тошкент вилоятининг Янгийўл тумани Ниёзбоши қишлоғида истиқомат қилувчи Достон Умаралиевни “Ўнг тизза бўғими медиал ме-

ниск жароҳати, синовити” ташхиси билан “Ўнг тизза бўғимини диагностик артроскопияси, медиал мениск қисман менискэктомияси ва супрапателляр бурмани кесини” ва Тошкент вилояти Бекобод тумани Абай қишлоғида яшовчи Элиза Исраиловани “Чап тизза бўғими латерал мениск дискондиллиги ва жароҳати, синовити” ташхиси билан “Чап тизза бўғимини диагностик артроскопияси, латерал мениск қисман менискэктомияси “операциялари муваффақиятли ўтказилди.

**Албатта, бу каби мураккаб операция жараёнларида соҳанинг малакали мутахассислари ўз тажриба ва маҳоратларини намоён эта олдилар.**

**Азизжон МАНСУРОВ,**  
Тошкент вилоят кўп тармоқли тиббиёт  
маркази травматолог-ортопед шифокори.

## "101" ОГОҲЛАНТИРАДИ

ЭҲТИЁТСИЗЛИК  
ТАЛОФАТ  
КЕЛТИРАДИ

Республикамизда шу кунларда истеъмолчиларни табиий газ ва электр энергиясидан фойдаланаётганда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиниши таъминлаш мақсадида соҳа ходимлари ташкилот, корхоналарнинг ишчи-ходимлари ва аҳоли ўртасида кенг камровли тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борилмоқда.

Газ ускуналарини ишлатишнинг ўз қонун-қоидалари бор. Уларга риоя қилмаслик ҳонадонга талофат келтиради. Шаҳримизда содир этилаётган ёнғинларнинг аксарияти фуқаролар газ ускуналарини нотўғри ишлатиши ёки ёнғин хавфсизлиги қоидаларини қўпол равишда бузишлари оқибатида рўй бермоқда. Газ пли-

таси устида кир қуришти ёки овқатни назоратсиз қолдириш, газдан резина шланг орқали фойдаланиш, газ таъминоти идораси ва ёнғин хавфсизлиги ходимлари билан келишилмаган ҳолда газ ускуналари ўрнини ўзгартириш, қўлабола электр иситиш анжомларини ишлатиш, дазмол ва плиталарни қаровсиз қолдириш ҳаво тортиш тизимларини тўсиб қўйиш каби ҳолатлар кўнгилсизликлар келтириб чиқариши мумкин.

Масалан “Банокатий” маҳалласи Банокатий кўчаси 196-уй 5-хонадонда носоз сув иситиш печидан фойдаланиш оқибатида 4 нафар фуқаро исгаздан захарланган.

**Мўриконларни ёнғинга қарши кураш жамияти ходимлари томонидан тозалаш, газ манбаини туман газ таъминоти идораси ходимлари назоратидан ўтказиш, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя қилиш ва аниқланган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.**

**Алибек МИРЗААХМЕДОВ,**  
Миробод тумани ФВБ II ва НБ мутахассиси,  
оддий аскар

Тошкент Давлат техника университети томонидан 2017 йилда 4-курс талабаси Убайдуллаев Абдор Баходир ўғли номига берилган 1693 рақамли зачетка йўқолганлиги сабабли бекор қилинади

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси поликлиникаси жамоаси поликлиниканинг даволаш ишлари бўйича бош шифокор ўринбосари Ҳамидулла Боймуродовга мухтарам волидаси  
**Ойша ая БОЙМУРОДОВА**нинг  
вафоти муносабати билан унинг оила-аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.



## СЪЕЗД ПЕДИАТРОВ

## С ЧУВСТВОМ, С ТОЛКОМ

Несмотря на сложную общеполитическую обстановку, состоялся XIX съезд педиатров, который собрал свыше 12 тыс. участников

Из них 2229 присутствовали лично, прибыв в Москву из большинства регионов Российской Федерации, остальные присоединились онлайн. И надо сказать, гибридный формат несколько не снизил значимость форума. Конечно, все были рады встрече вживую, но и общение в онлайн-пространстве приносило глубокое удовлетворение.

Дискуссии порой столь накалялись, что стиралась и без того заметная грань между теми, кто находился по разные стороны экрана. Симпозиумы, совещания, пленарные заседания, «круглые столы», лекции, дискуссионные сессии – все форматы были востребованы.

## Что там новенького?

Конгрессы педиатров проходят ежегодно, а съезды раз в 5 лет, причём регулярность мероприятий незыблема. И всякий раз в их проведение привносится что-то новое, хотя, казалось бы, всё возможное исчерпано. Ан, нет! Организаторы находят, чем заинтересовать, удивить, о чём упомянуть с приставкой «впервые». Впервые в рамках съезда прошёл конгресс педиатров Восточной Европы и Центральной Азии. Детские врачи Азербайджана, Белоруссии, Казахстана, Сербии, Узбекистана представили свои доклады. Эти заседания были продолжены сессией с участием докторов из Европейской и Международной педиатрических ассоциаций.

– Нам представляется, что в нынешнее сложное время все детские врачи должны сплотить свои усилия в интересах детей, – отметил президент Союза педиатров России академик РАН Лейла Намазова-Баранова, открывая съезд.

Стало уже традицией напоминать и о юбилейных датах. В 2022 г. их немало, в частности 175 лет со дня рождения одного из основоположников педиатрии в России Нила Филатова. Но с нынешнего года решено посвящать историческим личностям специальные симпозиумы, лекции. Ещё из новшеств. Педиатры объединились с другими профессиональными ассоциациями: терапевтов, семейных врачей, эпидемиологов, инфекционистов, онкологов, акушеро-гинекологов, постаравшись сплотить всех вокруг проблемы предотвращения инфекционных болезней. У съезда, конечно, по сравнению с конгрессом, свои задачи – прежде всего, проанализировать происходящее в детском здравоохранении, вскрыть проблемы, наметить пути их решения. Поэтому обсуждались актуальные вопросы в педиатрическом образовании, фундаментальной науке, практической деятельности. Среди них – подготовка квалифицированных кадров, обеспечение высоких стандартов работы, качественное ведение пациентов.

## Учиться и учить

Для реализации стоящих задач чрезвычайно важно хорошее кадровое обеспечение. Эту проблему на съезде поднимали многие выступающие. Цифры звучали разные. Ясно одно: специалистов не хватает. Наиболее дефицитными являются участковые терапевты и участковые педиатры. К тому же многие начинающие врачи не обладают необходимым объёмом умений, достаточных для самостоятельной работы.

Из года в год плановый приём на первый курс увеличивается, особенно на лечебный и стомато-

логический факультеты, в отличие от педиатрического. Но это увеличение не влияет положительно образом на численность врачей в стране. Потому что наблюдается огромный отток врачей в частную медицину и вообще уход из профессии.

– Получается, мы за государственные деньги готовим специалистов для частных клиник, – поставил вопрос Н. Володин.

Динамика обеспеченности педиатрами снижается, количество поступивших на первый курс сокращается. Как отметил Н. Володин, много говорится о роли симуляционных центров в подготовке кадров. Но эти центры недоступны большому количеству медицинских факультетов из-за высокой стоимости. А если даже они и есть, то при таком объёме студентов не могут обеспечить должный уровень освоения мануальных навыков. И самое главное – нет преподавателей, чтобы эти симуляционные центры использовались как следует. На Западе отсутствие объёмов подготовки у постели больного компенсируется на этапе последипломного образования обучением в резидентуре (от 3 до 7 лет). У нас в этом плане проблемы. Отменена даже интернатура. Выпускник сразу идёт работать в первичное звено, где концентрируется огромное количество детей, в том числе с хронической патологией, глубоко недоношенных. Только через 3 года он может поступить в ординатуру, и то, как правило, в платную. Ему остаётся продолжать трудиться на том же месте, без перспектив дальнейшего профессионального роста или перехода в высокотехнологичные клиники.

## Происходит старение преподавательских кадров в вузах.

– Наши предшественники создали цепочку, которая позволяла сохранить школу. Сегодня цепочка «научный студенческий кружок – ординатура – аспирантура – сотрудник кафедры» нарушена, – считает Н. Володин.

О необходимости сохранения отечественных традиций медицинского образования говорил и профессор Николай Жаркин. По его словам, учебные программы меняются каждые 35 лет, причём в сторону сокращения, примитивизма и удаления от медицинской практики. Постулат великих Мудрова и Боткина «Учите у постели больного» сейчас считается вообще неприличным. Потому что это якобы затрагивает право пациента на своё волеизъявление. Замену нашли в манекенах, иногда в роботизированных, симулянтных аппаратах. В результате этого у студентов и ординаторов за годы учёбы формируется отношение к пациенту как к бездушной кукле, которая находится в полной власти и зависимости от врача. С другой стороны, когда молодой доктор встречается с живым пациентом, он не знает, что делать, как правильно оценить его состояние. Из-за этого случаются ошибки, затягивание лечения и разочарование в профессии.

– Считаю, что студенты ме-

дики должны с первого курса участвовать в практической работе, – уверен Н. Жаркин. По его мнению, следует прекратить манипуляции с учебными программами медицинских вузов, восстановить вступительные экзамены. Сейчас нет оценки профпригодности, это приводит к тому, что в медицину приходят люди, неспособные врачевать. Нужно не бояться отчислять неуспевающих как профессионально непригодных. В России практически все поступившие заканчивают вузы, отчисляются единицы. А, например, во Франции, в Сорбонне из 5 тыс. принятых бесплатно на первый курс медицинского факультета к моменту выпуска остаётся не более 100 человек.

## Заглядывая в завтра

Академик А. Румянцев свой доклад посвятил врождённому ошибкам иммунитета, объясняя выбор темы тем, что это – дело будущей педиатрии. Первичные иммунодефициты, так называются врождённые ошибки иммунитета, к нынешнему году объединяют уже 450 заболеваний. Педиатры о них практически ничего не знают, поэтому выявляемость в России в 4 раза ниже, чем в Европе. Между тем генетические исследования позволяют установить дефект и в ряде случаев назначить этиологическое лечение. Изменение ситуации А. Румянцев связывает со скринингом. Тест на определение иммунодефицитов уже сделан в России, зарегистрирован и производится. По мнению академика, каждый новорождённый ребёнок, попавший в отделение реанимации и интенсивной терапии, должен проходить обязательное тестирование на первичный иммунодефицит или на какое-то другое расстройство, сопряжённое со снижением клеточного иммунитета. Это относится и к детям с пороками развития, и к экстремально низкой массой тела.

– При введении неонатального скрининга на иммунодефициты мы получим в 10 раз больше пациентов, чем имели, – полагает А. Румянцев. А что дальше? А дальше, по замыслу А. Румянцева, необходимо организовать новую педиатрическую систему наблюдения. Дети, имеющие тяжёлый комбинированный иммунодефицит, должны сразу попадать в руки трансплантологов и получать пересадку в первые месяцы жизни. Дети с другими первичными иммунодефицитами вовремя обеспечиваться иммуноглобулинами. Недоношенные – находиться под специальным присмотром неонатологов и планомерно обследоваться.

Межрегиональные центры должны быть снабжены возможностью определения 450 известных иммунодефицитов, считает А. Румянцев. Кроме того, должны быть условия для проведения полноценного секвенирования.

– Неонатальный скрининг – не самоцель, – заметил на это директор Национального медико-генетического центра член-корреспондент РАН Сергей Куцев. – Заболевание, которое выявляется, должно иметь лечение. Поэтому относительно первичных иммунодефицитов не всё так просто. По выражению С. Куцева, скрининг имеет смысл только тогда, когда существует лечение, ведь он всего лишь выявляет группы риска. Затем идёт подтверждающая диагностика. А самое главное – маршрутизация и ведение этих пациентов.

## Межведомственное взаимодействие

– Образование и здоровье – фундаментальные вещи, от которых зависит наше будущее, – подчеркнул академик РАН Александр Баранов, открывая заседание секций педиатров и педиатров.

Необходимость совершенствования и развития школьной медицины обострил главный врач городской поликлиники № 37 Андрей Ким, подкрепив тезис фактами, свидетельствующими об изменении состояния здоровья школьников. Число детей первой группы здоровья за 3 года сократилось в 2 раза, а третьей–пятой (то есть с хронической патологией) наоборот, увеличилось в 2 раза. За период обучения в школе болезни кровообращения возрастают в 4 раза, аномалии рефракции – в 6,5, щитовидной железы – в 7,5. Язвенная болезнь показывает рост в 16 раз, сколиозы – в 22,5. Возникают сложности с организацией профилактических осмотров среди учащихся. Их проведение система образования, мягко говоря, не приветствует, особенно в старших классах, где высока учебная нагрузка.

– С одной стороны, мы заявляем о колоссальной потребности в профосмотрах. С другой, у нас нет возможности проанализировать результаты и скоординировать деятельность участковой педиатрической службы и дошкольно-школьной, то есть неорганизованного и организованного детства, – резюмировал А. Ким.

## Плюс социальный аспект

Большое значение в педиатрии всегда придавалось социальным факторам, воздействующим на ребёнка. Эта тема нашла отражение и на нынешнем съезде, в том числе в связи с пандемией COVID-19, которая, кроме непосредственно инфекционной составляющей, привнесла очень серьёзные изменения в жизнь всех детей страны. Закрытие школ, локдаун, изоляция отразились на их эмоциональном и физическом благополучии.

– COVID-19 – это не просто пандемия, это – синдемия, – утверждает Наталья Устинова, руководитель отдела социальной педиатрии НИИ педиатрии и охраны здоровья детей Центральной клинической больницы РАН. Синдемический характер обозначает необходимость комплексного мультидисциплинарного подхода к защите здоровья детей. НИИ педиатрии было инициировано масштабное исследование влияния пандемии COVID-19 на детское население. Кроме клинической составляющей активно изучали медико-социальные последствия для семей с детьми. Выяснилось, что в период пандемии значительно уменьшилось количество тех, кто удовлетворён качеством медицинской

помощи. Почти половина родителей считают, что изменения в организации медицинской помощи, перерывы в оказании плановых медицинских услуг, отсрочка в госпитализации негативно отразились на здоровье ребёнка. Причём семьи с детьми с инвалидностью сильнее пострадали, чем семьи без нарушений здоровья у детей.

Служение детству превыше всего

Хочется подчеркнуть, в достаточно сложной и неоднозначной ситуации педиатры продемонстрировали единство, поставив служение детству превыше всего. И что примечательно, к российским докторам присоединились зарубежные коллеги, делаясь опытом, результатами исследований и даже опасениями за здоровье подрастающего поколения. Президент Международной педиатрической ассоциации доктор Навин Такер сделал акцент на роли педиатров в продвижении вакцинации. По его словам, антивакцинальная лобби иногда очень сильно, но голос детских врачей должен быть сильнее.

– Мы должны уметь убеждать, – сказал он. – Важно не только то, что вы говорите, но и как вы говорите! Хорошая коммуникация является значимым медицинским вмешательством, мощным инструментом. Профессор Линда Арнольд, работающая в отделении неотложной помощи Йельского университета (США), подняла вопрос охраны психического здоровья детей в эпоху COVID-19. (Кстати, несмотря на глубокую ночь, она вышла на связь и представила доклад «вживую»). По её словам, до пандемии 20% детей в возрасте от 3 до 17 лет в США имели различные психические, эмоциональные, поведенческие проблемы. 50% детей с диагнозом психических расстройств получали неадекватную терапию. То есть большое бремя заболеваний существовало ещё до пандемии коронавируса. Пандемия усугубила ситуацию с психическим здоровьем детей.

– Как педиатры мы понимаем важность продвижения здорового социально-эмоционального воспитания и должны заняться им, в том числе и среди родителей, и среди представителей правительства, чтобы дети могли правильно и хорошо развиваться. Нам надо быть адвокатами, чтобы больше финансов выделялось для служб и охраны психического здоровья подрастающего поколения, – сказала Л. Арнольд и призвала к активной жизненной позиции:

– Часто говорят: «Дети – наше будущее». Но будущее детей – в наших руках. Мы должны сделать всё возможное, чтоб убедиться, что дети защищены, что они в безопасности, что они накормлены должным образом, что у них есть нормальные возможности для развития.

Вместо заключения. Спектр тем, обсуждаемых на съезде, был настолько широк, что даже упомянуть всё невозможно. Скажу только, что он простирался от клинических аспектов до организационных. Посудите сами. В его рамках, помимо упомянутых мероприятий, прошёл форум для родителей пациентов, саммит медицинских специалистов и организаторов здравоохранения «Нутритивные компоненты программирования здоровья», конференция детских дерматологов, семинар «Страховая медицина в охране здоровья детей», Евразийский форум по редким болезням, форум детских медицинских сестёр, Международный форум детских хирургов, урологов-андрологов и травматологов-ортопедов. А ещё были предконгрессные заседания, мастер-классы.

Валентина ЕВЛАНОВА.



ИЖТИМОЙ АКЦИЯ

# “БОЛАЛАРГА ТАБАССУМ” ДОИРАСИДАГИ ХАЙРЛИ ИШЛАР

*Хар бир бола саломатлигини муҳофаза қилиш ва уларни ижтимоий-тиббий қўллаб-қувватлаш Давлатимизнинг доимий эътибори ва гамхўрлигида бўлиб келмоқда. Шу мақсадда ташкил этилган Болаларни қўллаб-қувватлаш Жамоат Фонди томонидан бугун республикамизнинг барча ҳудудларида ижтимоий-тиббий акциялар ўтказиб келинмоқда.*



Жуни кеча Қорақалпоғистон Республикасида Жамғарма томонидан лаб ва танглай ёриқлари нуқсон бўлган болаларни тиббий кўриқдан ўтказиш ва уларда операция амалиётларини ўтказиш бўйича “Болаларга табассум” ижтимоий акцияси бўлиб ўтди. Бу акцияга республикамизнинг етакчи клиника ва шифохоналаридан тажрибали шифокор-мутахассислар жамоаси кенг жалб этилди.

Мазкур акциядан кўзланган асосий мақсад, Жамғарма-

нинг тиббий дастурларига асосан оғир ташхисли бемор болаларни даволаш, бепул дори-дармон воситалари билан таъминлаш, улар саломатлигини мунтазам тиклаш бориш, пировардида лаб ва танглай ёриқлари нуқсон бўлган 60 нафар бемор болаларда мураккаб операция амалиётларини ўтказишдан иборатдир.

Жамоат фонди томонидан бу каби акциялар республикамиз бўйлаб мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Худди шундай 300 нафар болани опе-

рация қилиш, уларни реабилитация қилиш чора-тадбирлари уюшган тарзда юртимиз ва хорижлик шифокорлар иштирокида амалга ошириб келинмоқда.

Нукус шаҳридаги Қорақалпоғистон тиббиёт академиясида ташкил этилган “Болаларга табассум” акциясида 200 дан ортиқ бемор болалар ва уларнинг ота-оналари ташриф буюришди. Биринчи босқичда барча болалар чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Шифокорларнинг тавсия ва хулосалари асосида 30 нафар болага шу ернинг ўзида операция амалиётлари ўтказилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар-



нинг ота-оналари эса бу муруват ёрдамидан мамнун.

Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан ташкил этилган Жамоат фонди иш бошлаганига ҳали кўп бўл-

гани йўқ. Ўтган давр мобайнида республикамизнинг кўпгина ҳудудларидан тиббий-ижтимоий ёрдамга муҳтож болажонларга хайрия ёрдамлари, операция харажатлари тўлиқ қоплаб бе-

рилди. Ўтказилган мазкур акция доирасида ҳам Жамоат фонди томонидан нафақат болаларни операция қилиш, балки уларни соғломлаштириш, зарур дори воситалари билан таъминлаш каби харажатлар ҳам тўлиқ қоплаб берилди.

**ЭЪТИРОФЛИСИ,** Болаларни қўллаб-қувватлаш Жамоат Фонди бугун нафақат юртимиз, балки хорижий клиникалар билан ҳам ҳамкорлик меморандумларини имзоламоқда. Бу келишув доирасида ҳам қатор ижтимоий-тиббий лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилган. Албатта, бу каби ижтимоий акцияларнинг доимий равишда ўтказилаётганлиги бемор болажонларни тўлиқ даволаш, уларни тенгдошлари каби соғлом ҳаётга қайтариш йўлидаги эзгу амаллардан бири ҳисобланади.

Намоз ТОЛИПОВ,  
журналист.

РАФБАТ

## ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ МАОШИ 15 ҲОИЗГА ОШИРИЛАДИ

Президент бугун имзолаган фармойишга биноан, 2022-йил 1-июндан бошлаб:

– соғлиқни сақлаш тизими ходимларининг ойлик маоши малака тоифасига қараб 15 фоизгача оширилади;

– юқори технологик мураккаб операцияларни бажарган шифокорларга 25 фоиз миқдорида устама тўланади.

2022-йил 1-майдан бошлаб:

– барча тиббиёт ходимлари учун дастлабки ва даврий касбий тиббий кўрик бепул бўлади;

– қон билан бевосита ишлаётган тиббиёт ходимларининг гепатит В касаллигига қарши эмланиши бепул бўлади.

@ssvuz



Газета  
муассиси:  
Ўзбекистон  
Республикаси  
Соғлиқни  
сақлаш  
вазирлиги

Бош муҳаррир  
Амрилло ИНОЯТОВ  
Бош муҳаррир ўринбосари  
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган кўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилмиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30 уй, 2-қават.  
Тел/факс: (71)233-13-22, тел.: (71)233-57-73. Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0015-рақами билан рўйхатга олинган.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 663 нусха.  
Буюртма Г-440

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи: Нарзулла Хамроев

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.